



O'ZBEKISTON AMALIY SAN'ATI
VA HUNARMANDCHILIGI:
AN'ANA VA INNOVATSIYALAR



O'ZBEKISTON BADIY AKADEMIYASI
YUNESKO ISHLARI BO'YICHA O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
MILLIY KOMISSIYASI
KAMOLIDDIN BEHZOD NOMIDAGI MILLIY
RASSOMLIK VA DIZAYN INSTITUTI

**“O'zbekiston amaliy san'ati va hunarmandchiligi:
an'ana va innovatsiyalar” mavzusidagi xalqaro
ilmiy-amaliy konferensiya**

T O ' P L A M I

**Compilation of articles of the international
scientific-practical conference "Practical arts
and crafts of Uzbekistan: traditions and
innovations"**

TOSHKENT-2022

**ЎЗБЕКИСТОН АМАЛИЙ САНЪАТИ ВА ҲУНАРМАНДЧИЛИГИ:
АНЪАНА ВА ИННОВАЦИЯЛАР**
Халқаро илмий-амалий конференция

**APPLIED ARTS AND CRAFTS OF UZBEKISTAN:
TRADITIONS AND INNOVATIONS**
International scientific-practical conference

**ПРИКЛАДНОЕ ИСКУССТВО И РЕМЕСЛЕННИЧЕСТВО
УЗБЕКИСТАНА: ТРАДИЦИИ И ИННОВАЦИИ**
Международная научная-практическая конференция

ТЎПЛАМ

Тошкент – 2022

УДК 74.01/09

КБК 85.1

**“Ўзбекистон амалий санъати ва ҳунармандчилиги:
анъана ва инновациялар”**

Масъул муҳаррир:

Аббосжон Мирзорахимов

Таҳрир хайъати:

Дилафруз Курбанова, Ботир Сангиров, Нигора Культашева,
Гуляно Орифжонова, Нафиса Раимкулова

Такризчилар:

Жаннат Исмаилова, тарих фанлари доктори, профессор
Дилафруз Қодирова, санъатшунослик фанлари доктори

Ушбу тўпламда халқаро илмий-амалий онлайн конференция мавзуси юзасидан мақолалар жамланган. Мақолаларда халқ амалий санъати ва ҳунармандчилиги тарихи, анъаналари, замонавий амалий санъатда кузатилаётган ижодий ўзгаришлар, бадий жараёнлар, анъана ва инновацияларнинг ўзига хос уйғунлиги масалаларига бағишланган мақолалар ўрин олган.

“Ўзбекистон амалий санъати ва ҳунармандчилиги: анаъана ва инновациялар” мавзусидаги халқаро илмий-амалий конференциясида Россия, Туркия, Озарбайжон ва Ўзбекистон олимлари илмий мақолалари билан иштирок этдилар. Тўпламда олимларнинг замонавий эврилишлар, жаҳон маданий ва ижтимоий жараёнларига таъсир этувчи омиллар натижасида амалий санъат ва ҳунармандчиликда кузатилаётган ўзгаришлар, анъаналарни сақлаш, инновациялар ва анъаналарнинг ўзига таъсир тамойилларига оид муаммолар ечими юзасидан хулосалари ва таклифлари билдирилган.

Ўзбекистон амалий санъат ва ҳунармандчилигида ўзига хос услублар ва воситаларнинг ривожланиши, ўзига хос мактаблар анъаналарининг бадий хусусиятлари, амалий санъатда “устоз-шогирд” анъаналари, усталар ижоди, замонавий бадий жараёнларда ҳунармандлар фаолиятининг аҳамияти долзарб аҳамият касб этмоқда. Миллий амалий санъат ва ҳунармандчилик мактабларининг таракқий этиши, усталар ижодида янги услубларнинг вужудга келаётганлиги, соҳада кадрлар тайёрлаш масалалари, соҳага инновацион ёндашувнинг талаб этилиши масалалари муҳокама этилишини тақозо этмоқда. “Ўзбекистон амалий санъати ва ҳунармандчилиги: анаъана ва инновациялар” мавзусидаги халқаро илмий конференцияси айнан ушбу масалалар муҳокамаси билан долзарб аҳамият касб этади.

МУНДАРИЖА:

1. Сўз боши.....	6
2. Акбар Хакимов. Традиционные художественные ремесла Узбекистана периода независимости: теория и практика.....	8
3. Аббосжон Мирзорахимов. Китобот санъати ва унинг ривожланиш босқичлари.....	20
4. Саидахбор Булатов. Амалий безак санъатда анъана, инновация ва тарбия уйғунлиги.....	25
5. Нардана Ибрафил гызы Юсифова. Роль орнаментов в произведениях искусства (на основе НМИА по фонду изобразительных материалов).	32
6. Камола Акилова. К проблеме функционирования декоративно-прикладного искусства в современной художественной культуре Узбекистана	38
7. Seyhan Yilmaz. Visual metaphors opening to our mental world in ceramic art	42
8. Михаил Тренихин. Симпозиумы и творческие группы по декоративно-прикладному искусству 1957–1991: общий обзор/опыт Узбекистана	53
9. Усман Карабаев. О народно-прикладном творчестве Узбекистана: вопросы возрождение и развитие	60
10. Дилафруз Курбонова, Г.Султонова. Хива ёғоч ўймакорлиги санъатида анъаналар давомийлиги (“Ичан қалъа” музей-қўриқхонасидаги Хива ёғоч ўймакорлиги намуналари мисолида).....	70
11. Ravshan Fatkhullaev. Uzbek braid: on an example Nurata embroideries.	78
12. Шахло Абдуллаева. Орнаментальный декор традиционной узбекской вышивки – семантика мотивов	88
13. Зухра Досметова. Хунармандчиликда ганч ўймакорлиги анъаналари (ўзбекистон интерьерлари безатилиши мисолида).....	97
14. Муниса Мухамедова. Роль традиционных ремесел в развитии арт-туризма Узбекистана.....	111
15. Камола Нишанова, Латофат Жаббарова. Ўзбекистон амалий санъатини сақлаш ва намойиш этишнинг тарихий аспектлари	119
16. Нигора Култашева. Коллекция национальной живописи в государственном музее истории культуры Узбекистана	124
17. Мадина Саипова. Зооморф безаклардаги астрономик ғоялар.....	130
18. Гулраъно Орифжонова. Амалий санъатга асосланган арт терапия методларининг имконияти.....	136
19. Иброхим Абдурахмонов. Ўзбекистон амалий безак санъатида афсонавий мавзулар талқини (қисм бутунликнинг ифодаси сифатида)	139
20. Наргиза Хасанова. Бадиий таълим тизимида амалий санъат ва унинг ихтисосликлари сохалари	145

21. Fazilat Kodirova, Dilfuza Jumaniyazova. New interpretation of terms in the field of fine arts and design of Uzbekistan	150
22. Жасурбек Ахмедов. Анъанавий Қўқон ёғоч ўймакорлик мактаби тарихидан	154
23. Эътибор Мирзаназарова Ўзбек миллий анъаналарининг мода ва дизайн соҳасидаги роли.....	159
24. Комилжон Гулямов. Амалий безак санъатини ўргатиш жараёнида болаларнинг бадий-ижодий қобилиятини ривожлантириш.....	164
25. Акмалжон Ўлмасов. “Чигачилик” – хунарми ёки санъат?	170
26. Дилшод Хайтметов. Ўзбекистон худудида амалий санъат асрлари ривожланиши ва шаклланиши.	182
27. Азизбек Таджибаев. Ўзбек амалий безак санъатнинг шаклланишида анъаналар давомийлиги.....	188
28. Неъматжон Мансуров. Бадий таълимда ўқувчиларни ижодий қобилиятни ривожлантиришнинг анъанавий асослари	191
29. Абдухамид Умаров. Модалар бозорининг бизнесдаги роли	196
30. Фазилат Фаязова. Ўзбек амалий санъатида геометрик шакл психологияси	198
31. Гулнора Аманходжаева, Зиёда Усмонова. Қўқон шаҳрида ривож топган хунармандчилик ва амалий санъат анъаналари тарихи.....	202
32. Латофат Жаббарова. Ўзбекистон давлат санъат музейининг заргарлик санъати экспозицияси дизайни.....	210
33. Элёр Мулладжанов. Темирчилик хунари – анъанавий санъатдан инновацион музейгача.....	215
34. Шахноза Касимова. Ўзбек аёллари либоси – миллат маънавиятининг кўзгуси.....	219
35. Бобир Дадамухамедов. XX аср охири Ўзбекистон анъанавий заргарлик санъатидаги бадий-ижодий тамойиллар	224
36. Фотима Исламова. Янгиланаётган жамиятда ўғил болаларни хунармандчилик асосида мустақил оилавий ҳаётга тайёрлашда инновацион ёндашув	230
37. Zamira Sadullaeva. Artistic handicrafts of Uzbekistan: "tradition" and "heritage".....	236
38. Feruza Kobilova. An'anaviy qo'g'irchoq teatrida qo'g'irchoqboz ustalar ijodining ahamiyati	242
39. Насиба Садикова. Ўзбекистон амалий хунармандчилигининг замонавий музей биносидаги акси.....	247
40. Мухайё Гаипова. Тошкент ёҳоч ўймакорлиги мактабидаги маиший буюмлар.....	253
41. Abdurakhim Turaev. Improving accounting of borrowing costs in business entities	257
42. Елена Королькова. Современные направления декоративно-прикладного искусства, инновационный подход в художественном образовании.....	261

3. Акилова К. Традиционное ювелирное искусство Узбекистана XIX-XXI веков: школы, мотивы, технологии, мастера. //Milli Azərbaycan Tarixi Muzeyi – 2011. – Bakı: Elm, 2011. – 297-298 səh.

4. Бинафша Нодир. Ўзбекистон амалий санъати: анъаналар давомийлиги. – Т.: “San’at” журналі нашриёти, 2021. – 9 б.

ЯНГИЛАНАЁТГАН ЖАМИЯТДА ЎГИЛ БОЛАЛАРНИ ХУНАРМАНДЧИЛИК АСОСИДА МУСТАҚИЛ ОИЛАВИЙ ҲАЁТГА ТАЙЁРЛАШДА ИННОВАЦИОН ЁНДАШУВ

Фотима ИСЛАМОВА,
Камолитдин Бехзод номидаги
Миллий рассомлик ва дизайн институти
катта ўқитувчи
(Ўзбекистон)

Аннотация. Мазкур мақола ёш авлод тарбиясининг долзарб муаммоларидан бири – креатив ёндашувлар асосида ўғил болаларни мустақил оилавий ҳаётга тайёрлашда оила анъаналари асосида хунармандчилик турларидан бирини санъат даражасида эгаллашнинг вазифаларига бағишланган. Мақоладан ўғил болаларни мустақил оилавий ҳаётга тайёрлаш учун она ва фарзандлар ўртасида демократик муносабатлари, меҳр ва мухаббат ила улар келажакка алоҳида эътибори ва тарбия жараёнларида креатив ёндашувлар асосида касб хунарни тўғри танлаш, нафосат тарбияси ва иқтисодий тарбияни юксалтириши масалалари, оила анъаналарига қўйилган талабларнинг ҳисобга олиниши ва уни тўғри ташкил этишига эришиши йўллари аниқ кўрсатиб ўтилган.

Калит сўзлар: ўғил бола тарбияси, мустақил оилавий ҳаётга тайёрлаш, оила анъаналари, инновация, миллий хунармандчилик, креатив ёндашув, маънавий-маданий тарбия, эстетик тарбия, урф-одат, қадрият.

Маълумки, мамлакатимизда ёш авлод таълим-тарбиясига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ўғил-қизларнинг замонавий билим олиши, юксак маънавиятли бўлиб улғайиши учун зарур шароит яратиш борасидаги қатор ишлар изчил давом эттирилмоқда.

Ўзбек оиласининг ва оила аъзолари ўртасидаги муносабатларнинг ўзига хос миллий хусусиятлари мавжуд бўлиб, кекса авловлардан мерос қолган маънавий қадриятлар, урф-одатлар замирида таркиб топган оиладаги маънавий ва маданий тарбиянинг асосига суянилади. Муҳтарам Президентимиз Ш.Мирзиёев таъбири билан изоҳ берадиган бўлсак: “Бизни ҳамиша ўйлантириб келадиган яна бир муҳим масала – бу ёшларимизнинг одоб-ахлоқи, юриш-туриши, бир сўз билан айтганда, дунёқараши билан

боғлиқ. Бугун замон шиддат билан ўзгаряпти. Бу ўзгаришларни ҳаммадан ҳам кўпроқ ҳис этадиган ким – ёшлар. Майли, ёшлар ўз даврининг талаблари билан уйғун бўлсин. Лекин айти пайтда ўзлигини ҳам унутмасин. Биз киммиз, қандай улуғ зотларнинг авлодимиз, деган даъват уларнинг қалбида доимо аксадо бериб, ўзлигига содиқ қолишга ундаб турсин. Бунга ниманинг ҳисобидан эришамиз? Тарбия, тарбия ва фақат тарбия ҳисобидан”¹²¹.

Қадимдан ўғил болаларни мустақил оилавий ҳаётга тайёрлаш масаласига катта эътибор қаратилган. Ўғил болалар беш ёшга тўлганидан бошлаб отда юриш, камондан отиш ва тўғрисўзликка ўргатилган. Эркакларда энг кўп қадрланган сифат жасурлик бўлган. Бу талаб ва эҳтиёжлар ҳозирги вақтда ҳам ўз қадрини йўқотмаган.

Бугунги кунда ўғил болаларга хос бўлган мардлик, қатъиятлилик, жисмонан кучлилик, бирсўзлик, мағрурлик, ориятлилик каби қатор сифатлар бирмунча заифлашганини кўриш мумкин. Бундай ҳолатларнинг мавжудлиги ўспирин ёшдаги ўғил болаларни мустақил оилавий ҳаётга тайёрлашда ҳам салбий натижаларнинг юзага келишига олиб келади.

Оила ва таълим масканларида тўғри йўлга қўйилган тарбиявий ишлар ва соғлом муҳит ўғил болаларни улар ўртасида кузатиладиган ичкиликбозлик, кашандалик, гиёҳвандликка мойилликнинг илк босқичлари, жиноятчилик, турли оқимлар, жиноий гуруҳлар ва диний экстремизм таъсирига тушиб қолишдан асрайди, шунинг учун оиладаги соғлом муҳитни мўътадил сақлаш ва тарбия жараёнини тўғри йўлга қўйиш масаласи, аввало, оилада ота-онадан, сўнг оиланинг ҳар бир бир аъзосидан ўта сергаклик, огоҳ бўлишни талаб этади. Ёшлар онгида бўшлиқ пайдо бўлишига, уларнинг ота-оналар томонидан назоратсиз қолдирилишига, умрларини мақсадсиз, бефойда ўтказишларига йўл қўймаслик лозим. Таълим муассасаларида эса гуруҳ раҳбари, барча фан ўқитувчилари ва раҳбар ходимлар бирдек маъсулдилар.

Оила фарзанд тарбияси уларни мустақил оилавий ҳаётга тайёрлаб боришда нафақат оила анъаналари, қадриятлари, ота-она ва кекса авлоднинг меҳнатнатсеварлик, инсонпарварлик, ватанпарварлик, қаҳрамонлик ва шу каби қатор сифатларини тарбиялаб бориш, балки таълим муассасаларида аудиториядан ташқари бўш вақтларини мазмунли ташкил этишда, уларнинг бирор касб ёки ҳунарга иқтидори, қизиқиши ва интилишларини борлигини инобатга олган ҳолда касб ҳунар ишларига жалб этиши зарур. Дарҳақиқат юқори савияли мустақил оилавий ҳаётга тайёр шахсни тарбиялашда “Оила, таълим муассасаси ва жамоатчилик” концепциясининг аҳамияти бекиёсдир. Мазкур концепция асосида замонавий ёшларни оилавий ҳаётга тайёрлашда

¹²¹ Шавкат Мирзиёев. "Ижтимоий барқарорликни таъминлаш, муқаддас динимизнинг софлигини асраш – давр талаби" мавзудаги анжуманда сўзлаган нутқида ёш авлод тарбияси ҳақида. 2017 й. 15 июнь.

ота - оналарнинг касб ҳунарга йўналтирувчи педагог билан, яқин, самимий, оқилона муносабатларини жонлантириш диққатга сазовор. Шунингдек, мазкур концепция бу икки тарбия субъектлари орасида нафақат мустақил оилавий ҳаётга тайёрлашга доир маълумотларини ўзаро алмашиш, балки юқоридаги хулоса: бирор амалий санъат даражасидаги ҳунармандчиликнинг фазилат ва сифатлари асосида касб ҳунарга йўналтириш ишларини ташкил этиш, олинган натижаларни амалиётга қандай тадбиқ этиш, маълум мақсад ва ғоялар амалиётига йўналтириш ва бошқа шу каби маънавий-маърифий, эстетик ва иқтисодий таълим тарбияни шакллантириш масалалари билан уйғунликда олиб бориш мақсадга мувофиқ. Оиланинг бош вазифаси фарзанд тарбияси, уни комил инсон қилиб вояга етказишдир. Авлод давомчиси, иқтисодиёт учун иш кучи ва меҳнат омили такрор яратилади. Бошқача иқтисодий термин билан айтганда, инсон капиталига инвестиция қилиш жараёни нуқтаи назаридан, фарзанд тарбияси билан шуғулланиш жараёнини қуйидаги уч жиҳатларга ажратиш мумкин

1. Оилада моддий базанинг яратилиши.

2. Оилада фарзанднинг дунёга келиши ва унинг тарбияси.

3. Билим олиш ва касб-ҳунар ўрганиш. Оилада моддий базанинг яратилиши шундан иборатки, унда янги қурилган оиланинг моддий базаси яратилади. Яъни уй хўжалиги юритилиб, оиланинг даромади шакллантирилади. Ўзбекистонда бу жараён кўпинча мустақил эмас, балки ота-онанинг кўмагида амалга оширилади. Ота-она ўз фарзандини ўйлайди, беминнат ёрдам беради ва қўллаб-қувватлайди. Янги қурилган оиланинг кўпинча ҳам моддий, ҳам маънавий жиҳатдан ота-онанинг кўмагига таяниши бир томондан янги оиланинг тажрибасизлигидан келиб чиқадиган муаммоларини ечишга ёрдам берса, иккинчи томондан бу жараённинг чўзилиб кетиши, уларнинг мустақил равишда муҳим қарорлар қабул қилиши, масъулиятни зиммасига олиши ва уни натижаси учун жавоб беришини чеклайди. Ҳамма нарса ўз-ўзидан бўлаётгандай туюлиб, ёш оила учун ҳаёт кечиришнинг осон йўлига ўтиб, кейин келажакда қаттиқ қийналиши мумкин. Демак, бугунги оила ва таълим муасасалари муносабатларида ёшларни, айниқса ўғил болаларни мустақил оилавий ҳаётга тайёрлашда иқтисодий тарбияни янада кучайтириш орқали тарбиявий жараёнларга инновациялар киритиш: миллий ҳунармандчилик соҳасида инновацион оилавий тадбиркорликни ривожлантириш каби касб ҳунарга йўналтириш ишларини тўғри йўлга қўйишда аҳамият қаратилиши ўзига хос ва муҳим хусусият сифатида намоён бўлади. Ҳатто, ёшларни мустақил оилавий ҳаётга тайёрлаш ишларининг тўғри ташкил этилиши ва уни янада такомиллаштиришга қаратилаётган эътибор марказида – бўлажак оила бошқаруви эгаларининг

маънавий, маданий, иқтисодий камолотига ғамхурлик қилтинаятгани алоҳида феномендир.

Мустақилликка эришганимиздан сўнг, мактабларда, академик лицей, касб-хунар коллежларида ёшларни мустақил оилавий ҳаётга тайёрлаш бўйича бир қанча фанлар киритилди. Булардан «Соғлом турмуш тарзи асослари ва оила» фани, «Оила психологияси ва этика» фани киритилган. Аммо бу фанлар ўз самарасини бераётгани йўқ, чунки таълим муассасаларидан кетаётган ўқувчиларнинг аксарияти нафақат оилавий ҳаётга, балки мустақил ҳаётга ҳам тайёр эмаслар, чунки ҳар қандай оиланинг пойдеворини энг аввало, ота-она ва оила, сўнг таълим масканларида берилаятган таъдим тарбия мазмуни яратади. Мазкур муаммонинг юзага келиши хусусан оилада тарбияланаётган ўғил болаларни мустақил оилавий ҳаётга тайёрлашда ота-оналарда етарли даражада билим, кўникма ва тажриба етишмаслиги билан изоҳланади. Қуйидаги жадвалда ўғил болаларни мустақил оилавий ҳаётга тайёрлашнинг кўп ҳолатлардаги қабул қилинган усуллари ёритиб берилди.

1-жадвал

Ўғил болаларни мустақил оилавий ҳаётга тайёрлашнинг педагогик-психологик усуллари

Ота-оналар, ўқитувчилар	Ўспирин ўғил болалар, ўқувчилар
Касб-хунар эгаллаш соҳасини таклиф этиш (нуфузли ўринларни эгаллаш, маънавий ёки моддий мотивлар асосида)	«Катталар» танловини маъқуллаш (нуфузли ўринларни эгаллаш, маънавий ёки моддий мотивлар асосида)
Мақсадни аниқлаш	Мақсадни қабул қилиш ва англаб етиш
Оилани рағбатлантириш	Оилани англаб етиш
Педагогик-психологик таъсир кўрсатиш, педагогик ташкил этиш педагогик йўналтириш, оилавий ҳаётга тайёрлаш, унга муносабатда амалий ёрдам кўрсатиш (китоб билан ишлаш, оммабоп маърузалар, ҳисоботлар, ахборотлар ёзиш миллий анъаналар асосида), ҳаётий воқеалар, мустаҳкам оилалардан намуна	Мустақил идрок этиш, ўспирин ўғил болаларни оилага тайёрлаш, оила фаолиятига қизиқтириш, миллий анъаналар асосида оила механизмини яратиш
Ўқувчиларнинг мустақил оилавий ҳаётга тайёрлаш, унинг натижаларини назорат қилиш. Ўғил болаларни идрок этиш ва интеллектуал-ижодий ҳаракатларини оилавий ҳаётга тайёргарлик даражасини кузатиб бориш	Мустақил оилани ўзи назорат қилиши, унинг натижаларини олдиндан кўра билиш. Турли хил вазиятларга тайёр туриши Ўз ҳаракатларини ўзи бошқариб бориш билан ўзини оилага тайёрлаб бориш, ўзининг оилапарварлик механизмини такомиллаштириш
Ўғил болаларни оилавий ҳаётга тайёрлаш	Шарқ мутафаккирлари, ота-боболаримиз оила асослари ва тажрибасини андоза қилиб олиш
Ўғил болалар мустақил оилавий ҳаётга	Мустақил оилавий ҳаётга тайёрлашда ўзини

тайёргарлигини кузатиш, таҳлил қилиш ва баҳолаш	индивидуал-ижодий намоён этиш, ўзини таҳлил қилиш, ўзига баҳо бериш
Ўғил болаларни мустақил оилавий ҳаётга тайёрлашни янада такомиллаштиришни режалаштириш	Ўзини оилада лидер ҳисоблаш, ҳамма муаммоларга оилада ўзини керак эканлигини ҳис этиш

Бизнинг асосий мақсадимиз ўғил болаларни келажак турмушга, уларни мустақил оилавий ҳаётга тайёрлашда оила аъзолари орқали инновациялар: миллий ҳунармандчилик соҳасида инновацион оилавий тадбиркорликни ривожлантириш каби касб ҳунарга йўналтириш ишларини тўғри йўлга қўйиш, танлаган касб-ҳунарларига олган билимини жорий этиш кўникмасини ҳосил қилиш ва миллий ҳунармандчиликдан амалий санъат даражасига етиш. Шунингдек, уларда мустақил оилавий ҳаёт тушунчаси ҳақида чуқур билимни шакллантириш, мустақил оилавий ҳаётнинг қонун-қоидаларини ўргатиш ва оилавий-иқтисодий муносабатлар доирасида келиб чиқадиган муаммоларни ечишда олинган билим ва эгалланган касб-ҳунар билан ҳал қила олишни ўргатиш.

Боланинг гўдаклигидан тиришқоқ, соғлом, шўх бўлиши албатта унинг олган тарбиясига боғлиқдир. Ҳар бир ота ўғлининг соғлом, кучли иродали, ақлли ва қобилиятли бўлиб ўсишини, ва энг муҳими касб-ҳунарли бўлиб вояга етиб, оилада шу ўрганган билими, қобилияти, эгаллаган касбҳунарини ҳаётга татбиқ этишини истайди. Агарда ўғил болага “сенинг қўлингдан нима келади, ҳали ёшсан, аралашма” деб четга сурилса, бундай ҳолат боланинг ўзи қизиқиш билдираётган жараёнга интилишини, қолаверса, қизиқишини сўндиради. Сабаби шундаки, бола энди ўз фикрини билдира бошлаб, ўзини шу соҳадаги мойиллаклари ва қобилиятини кўрсатгиси келади ва унда келажакка умид, мақсадлар туғила бошлайди. Ундаги муносабатлар энди ўспирин ёшдаги ўғил болаларнинг мустақил одам бўлиб қолганлигини яққол кўрсатиб туришини хоҳлайди. Бугунги давр ёшлари учун унинг оиласи, миллати, Ватан тақдири, бугуни ва эртаси учун фидойилик кўрсатиш энг олий қадрият ҳисобланади. Ўспирин ёшдаги ўғил болалар билан энг аввало яхши муносабатда бўлишимиз ҳамда улар билан тенгдош, ҳамфикр, яқин ҳамдard сифатида мулоқотда бўлиш, уларнинг ўй ва фикрларини, оилада ва атроф-муҳитда бўлаётган воқеа ва ҳодисаларга шахсий фикрлари, буни инобатга олиш жамият учун эркин фикрли авлодни тарбиялаб етиштиришда муҳим аҳамият касб этади. Ўғил болаларни мустақил оилавий ҳаётга тайёрлашда оила ва таълим муассасаларида уларга миллий ҳунармандчиликнинг бирор турини эгаллаши учун етарлича билим ва кўникмалар берилиши лозим. Уларга инсонийлик, ватанпарварлик, иродалилик, меҳнатсеварлик, рўзғор сирларини билиш, шу билан биргаликда

Ўз қизиқишлари ва мойиликлари асосидаги касб-ҳунар турларининг амалий санъат даражасига кўтарилиши мумкин бўлган бирор соҳасига йўналтириш, севган касбига болалигидан меҳр қўйишга имкониятлар яратиш керак. Ҳар қандай мақсадни амалга ошириш учун тажрибаларга таянган ҳолда оилада ўғил болаларни мустақил оилавий ҳаётга тайёрлашнинг услубий ва амалий томонидан қуйидаги вазифаларга эътибор қаратмоқ лозим:

- ўспирин ёшдаги ўғил болаларни Ватанига фидоий, жасур, соғлом, билимли ва ҳар томонлама етук, юқори қобилиятли, ахлоқли ва ҳалол инсон бўлишига йўллаш;
- ўғил болаларда ўз халқининг тарихий, авлод-аждодларининг маданий, миллий хусусиятларини англаб олишга бўлган заруриятни таркиб топтириш, (ҳунармандчиликдан амалий санъатгача бўлган жараёнлар мисолида);
- мустақиллик шароитида ўғил болаларни замон талабларини англаб етишга йўллаш (ҳунармандчилик анъаналари ва тадбиркорликда инновациялар негизида);
- ўғил болаларда ижодий фазилатларни таркиб топтириш; бадиий таълим негизида амалий санъат турларидан бирини эгаллаш, ижодкорлик, меҳнатсеварлик каби ҳислатларни таркиб топтириш;
- уларни мустақил ҳаётга тайёрлашда ҳунармандчиликнинг ўз қизиқиш ва қобилиятлари асосида эгаллаб амалий санъат даражасига етказишнинг ҳам роли муҳим эканлигини ҳисобга олиш.

Юқоридаги фикрлардан кўринадик, ҳозирги кенг қамровли демократик ислохотлар муҳитида келажак авлоднинг ватан ва оила равақига ўз ҳиссаларини қўша оладиган қилиб мустақил оилавий ҳаётга тайёрлаш давр талабига айланди. Бу борада оилада, таълим-тарбия тизимида “Ўзбек амалий санъати ва ҳунармандчилигида замонавий тенденциялар: оилавий анъаналар давомийлиги, инновация ва оилавий тадбиркорлик” имкониятларидан эстетик ва иқтисодий тарбия жараёнларида унумли фойдаланиш муҳим аҳамият касб этади.

Адабиётлар рўйхати:

1. F.Sh. Fayazova, O.A. Otajonova, F.Sh. Islamova. The Role of Art Therapy In The Formation Of Healthy Living Skills In Adolescents. Natural Volatiles and Essential Oils (NVEO), 2021; 8(4): 15291-15295.

2. Islamova F.Sh, Vaniyan S.B. The role of parents in forming spiritual education on the basis of creative approaches. current research journal of pedagogics. ISSN 2767-3278 ©2021 Master Journals. 2(12): 162-165, December 2021.

3. Fotima Islomova, Fazilat Fayozova. Family traditions in vocational guidance, a guarantee of preparing young people for independent living. *ACADEMICIA An International Multi disciplinary Research Journal (Double Blind Refereed & Peer Reviewed Journal)* Impact Factor: SJIF 2021 = 7.492. ISSN: 2249-7137 Vol. 11, Issue 10, October 2021

4. Исламова Ф.Ш. Миллий анъаналар асосида ўғил болаларни оилага тайёрлашнинг педагогик-психологик усуллари. “Таълим, фан ва инновация”. Маънавий-маърифий илмий-услубий журнал. Тошкент. 2019/3-сон.)

5. Сарсенбаева Р.М., Оилада иктисодий таълим-тарбияни шакллантириш йўллари. *ЗАМОНАВИЙ ТАЪЛИМ / СОВРЕМЕННОЕ ОБРАЗОВАНИЕ* 2017, 5. 83 бет.

5. Ashurov N.R, Rakhmonova F.Sh, Fayazova F.Sh. Pedagogy as a science of education and personal development. Published by: TRANS Asian Research Journals AJMR: Asian Journal of Multidimensional Research (A Double Blind Refereed & Reviewed International Journal) Impact Factor: SJIF 2020 = 6.882 March 2020 .

6. Рахманова Ф.Ш. Педагогические воззрения восточных мыслителей в деле подготовки мальчиков к семейной жизни на основе национальных традиций. Молодой ученый» №4. Учредитель и издатель: ООО «Издательство Перм. 39). 2012 г.

7. Rakhmonova F.Sh. “Oriental upbringing in the preparation of son children for family life”. “SCIENCE, RESEARCH, DEVELOPMENT” Philology, Sociology and Culturology. V.2. Rotterdam (The NETHERLANDS). 30.03.2019-31.03.2019.

ARTISTIC HANDICRAFTS OF UZBEKISTAN: "TRADITION" AND "HERITAGE"

*Zamira Sadullaeva,
PhD student of the National Institute of Fine Arts
and Design named after Kamoliddin Bekhzod
(Uzbekistan)*

Annotatsiya. *Maqolada O‘zbekiston zamonaviy badiiy hunarmandchiligini O‘zbekiston madaniyati sistemasidagi o‘rni, roli va amaliyotdagi ayrim muammoli masalalari o‘rganilgan. Muallif jarayonni o‘rganib, mavjud kamchiliklarni bartaraf qilishda o‘zining metodik tavsiyalarini taqdim qiladi.*

Kalit so‘zlar: *badiiy hunarmandchilik, hunarmand, amaliy-bezak san’ati, xalq ustalari ijodi, an’ana, art-bozor, milliy meros, madaniyat ekologiyasi.*

Аннотация. *В статье рассматривается роль и значение современные художественные ремёсла Узбекистана в системе художественной культуры Узбекистана. Автором изучается процесс и предлагается методические рекомендации для их устранения.*

ЎЗБЕКИСТОН АМАЛИЙ САНЪАТИ ВА ҲУНАРМАНДЧИЛИГИ: АНЪАНА ВА ИННОВАЦИЯЛАР

Халқаро илмий-амалий конференция тўплами

Муҳаррир *М.Талипова*

Мусахҳих *И.Турсунова*

Саҳифаловчи дизайнер *Шохсанам Турсунова*

Босишга рухсат этилди 07.03.2022 й. Бичими 60x84 1/16

Офсет қоғози. Офсет усулда. Cambria гарнитураси.

Шартли босма табоғи 22.7. Нашр ҳисоб табоғи 20,5.

Адади 100_ нусхада. Буюртма № _14-09

Тўплам институтнинг илмий бўлимида тайёрланди.

Институт манзили: 100015 Ўзбекистон Республикаси, Тошкент шаҳар,

Миробод тумани, Мироншоҳ кўчаси 123-уй.

Тел: 71 255-98-39. Факс: 71 255-18-33.

«IMPRESS MEDIA» МЧЖ босмахонасида чоп этилди

Манзил: Тошкент ш., Қушбеги кўчаси, 6 уй.